*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

• № 246 (20. 813) • 1990 йил 27 октябрь, шанба • Баҳоси 3 тийин.

*Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқи Президентининг Фармони*

## Фуқаролар жамғармаларини ССЖИ жамғарма банки муассасаларида сақлашдан манфаатдорлигини ошириш тўғрисида

ССЖИ Олий Кенгаши томонидан маъқулланган халқ хўжалигини барқарорлаштириш ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий йўналишларига мувофиқ ҳамда фуқаролар ўз жамғармаларини ССЖИ жамғарма банки муассасаларида сақлашдан манфаатдорлигини ошириш, омонат қўювчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида **қарор қиламан:**

1. ССЖИ жамғарма банкининг давлат мақоми сақлаб қолинсин ва фуқароларнинг жамғармаларига давлат кафолати тасдиқлансин.

2. ССЖИ жамғарма банки муассасаларида аҳоли қўйган муддатли омонатларга тўланадиган фойда фоизи миқдори омонат қанча муддатга қўйилишига қараб 1990 йил 1 ноябрдан бошлаб оширилсин.

ССЖИ Давлат банки ва ССЖИ жамғарма банки фойда фоизининг аниқ миқдорини белгилаб қўйсинлар.

3. ССЖИ жамғарма банки аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини оширишни таъминласин, кўрсатилаётган хизмат соҳасини кенгайтириш, фуқароларнинг банд бўлмаган пулларини жалб этишнинг янги шаклларини оммалаштириш, нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишни ривожлантириш ҳамда аҳолига қарз бериб туриш практикасини такомиллаштириш чораларини кўрсин.

4. ССЖИ Молия вазирлиги ва ССЖИ жамғарма банки янги фойда сиёсатини ҳисобга олиб, 1982 йилда чиқарилган давлат ички ютуқли займи ва ССЖИ жамғарма банки сертификати шартларини ўзгартирсинлар.

5. ССЖИ давлат банки 1990 йил 1 ноябрдан бошлаб корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг банкка қўйган маблағларига ва уларга бериладиган қарзларга фойданинг янги миқдорини жорий этсин.

**Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқининг Президенти**
**М. ГОРБАЧЕВ.**

Москва, Кремль,
1990 йил, 25 октябрь.

*Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқининг Қонуни*

## ССЖ Иттифоқининг қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари амал қилишини таъминлаш тўғрисида

Иттифоқдош жумҳуриятлар давлат ҳокимияти олий органларининг қабул қилинган давлат мустақиллиги тўғрисидаги декларацияларига асосланган қонунларни тайёрлаш фаолияти жумҳуриятларнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамламоқда, уларнинг мустақиллигини ҳақиқий мазмун билан тўлдирмоқда.

Шу билан бир вақтда иттифоқдош жумҳуриятлар давлат органларининг ССЖ Иттифоқи давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органлари ўз ваколатлари доирасида чиқарган умумиттифоқ қонунларини ва ўзга ҳужжатларни амалга оширишдан бош тортиш ҳоллари кўпайди. Ана шу ҳужжатлар тегишли иттифоқдош жумҳуриятлар ҳудудида амал қилиши учун дастлабки шартларни — умумиттифоқ ҳужжатларини жумҳурият олий органлари ратификация қилиши ёки тасдиқлашини мустаҳкамлаб қўйишга уринмоқдалар. Айрим иттифоқдош жумҳуриятлар ССЖ Иттифоқининг «ССЖ Иттифоқи билан федерация субъектлари ўртасидаги ваколатларни фарқлаб қўйиш тўғрисида»ги 1990 йил 26 апрелдаги Қонунига зид равишда умумиттифоқ қонунлари ва ССЖИ ҳукуматининг қарорлари, агар уларнинг фикрича, ана шу ҳужжатлар мазкур жумҳурият ёки минтақа ҳуқуқлари ва манфаатларини бузса ўз ҳудудларида уларнинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш мумкинлигини маълум қилдилар. Бу билан ССЖИ суверенитетига, бутун мамлакат ҳудудида ССЖИ қонунларининг устун туришига путур етказилмоқда, бу эса қайта қуриш сиёсатининг ўзагини ташкил этадиган иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий-маданий тадбирлар бажарилишини барбод этишнинг асосий сабабларидан биридир. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг кўпгина раҳбарлари шартномавий мажбуриятларни бажариш учун тегишли чораларни кўрмаётирлар, бу эса хўжалик алоқаларининг бузилишига олиб келмоқда.

ССЖИ Қонунлари ҳамда ССЖ Иттифоқи давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органларининг ўз ваколатлари доирасида чиқарган ўзга ҳужжатлари сўзсиз бажарилиши, халқ хўжалигини барқарорлаштириш, бозор иқтисодиётига ўтиш учун шароит яратиш мақсадида Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқи Олий Кенгаши янги Иттифоқ шартномаси тузилгунга қадар **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

(Давоми иккинчи бетда).

# ЖУМҲУРИЯТИМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

*Ғалла*

### ЕР ҲАЙДАСАНГ, КУЗ ҲАЙДА

**Чортоқ районидаги Мичурин номли давлат хўжалиги деҳқонлари Занг массивида ғалладан мўл ҳосил етиштирдилар.**

Давлатга режадаги 475 тонна ўрнига 500 тоннадан зиёд ғалла топшириб, бу борадаги юмушни уддаладилар. З. Мамажонов, Қ. Назарбеков, Х. Эшқўзиевлар 17—18 центнер ўрнига 26 центнердан ҳосил олдилар. Давлат хўжалиги деҳқонлари ғалладан ташқари картошка, силос, табиий пичан ва бошқа маҳсулот тайёрлаш планини ҳам ортиғи билан бажаришди.

Айни кунларда келгуси йил ҳосили учун шудгорни сифатли ўтказиб пешма-пеш ғалла экишни ҳам бошлаб юбордилар. Ҳозир учта ҳайдов трактори ёрдамида беда экиш тугалланди. Келгуси йил ҳосилини кўзлаб меҳнат қилаётган ғаллакорлардан Абдураҳмон Ҳайдаров, Тўхтабой Отамирзаевлар меҳнати барчага намуна бўлаётир.

**А. АСРОРОВ.**

•

Шунингдек, турли мавзуда Р. Тўлаев, (Бухоро), Р. Қурбонов (Наманган), Д. Қутлимуротова (ҚҚАССР), М. Исмоилова (Хоразм), Ш. Умиров, Х. Хуррамовлар (Бухоро), Э. Қутлимуродов, Э. Назаровлар (Қашқадарё), П. Абдуллаев, Ш. Ҳасанов, Р. Муҳаммадиева (Самарқанд), Т. Хўжаев (Сирдарё), М. Тешабоев (Фарғона), У. Раҳматуллаев (Андижон)лар мактуб йўллашган.

*Сабзавот*

### ЯНА ЎН МИНГ ТОННА

**Китоб райони сабзавоткорлари йиллик режаларини ошириб бажардилар. Эл дастурхонига 36 минг тонна сабзавот маҳсулотлари етказиб берилди. Бу ўтган 1989 йилга нисбатан 5 минг тонна зиёддир.**

Меҳнат ғалабасига Куйбишев номли, Свердлов номли, Карл Маркс номли колхозлар, Навоий, Зарафшон, «Навбаҳор» совхозлари муносиб улуш қўшдилар. Ушбу хўжаликлар йиллик планларини 120—200 фоиздан ошириб бажаришди.

Сабзавоткорлар мавжуд 1402 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 260 центнердан ҳосил кўтариб уни саранжомлаб олишди.

Умумиттифоқ фондига маҳсулот топшириш планлари ҳам ошириб бажарилди. Россиянинг марказий шаҳарларига 420 тонна маҳсулот жўнатилди.

Ҳали пайкалларда ҳосил мўл. Давлатга помидор, сабзи, карам топшириш қизғин бормоқда. Ноз-неъмат ижодкорлари эл дастурхонига яна 10 минг тонна сабзавот етказиб бериш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

**С. ИСОМИДДИНОВ,**
**Қашқадарё вилояти.**



**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ.** Мирзачўл районидаги Султон Сегизбоев номли давлат хўжалиги деҳқонлари бу йил «оқ олтин»дан юқори ҳосил кўтаришга муяссар бўлишди. Уларнинг бу муваффақиятида хўжаликдаги азамат транспортчиларнинг ҳам катта ҳиссаси бор.

Автомобиль паркининг абжир ҳайдовчилари деҳқонларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилиш учун астойдил меҳнат қилишди. Булар орасида моҳир шофёр Турсунбой Каримқуловнинг хизматлари алоҳида таҳсинга лойиқ. У хўжаликда қарийб 20 йилдан бери садоқат билан хизмат қилиб келмоқда. Ўз меҳнати ва одамийлиги билан ҳамкасбларига ўрнак, ёшларнинг мураббийси ва маслаҳатгўйи.

**СУРАТДА:** биринчи класс шофёри Турсунбой Каримқулов йўлга чиқиш олдидан.
**Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.**

# ССЖИ ПРЕЗИДЕНТИ: «КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИНИ ТАБРИКЛАЙМАН»

## *М. С. ГОРБАЧЕВнинг ССЖИ касаба уюшмалари съездидаги нутқи*

Президент делегатларга мурожаат этиб қуйидагиларни таъкидлади: мамлакат турмушнинг барча соҳаларида чуқур ўзгаришлар босқичига етиб келди ва жамиятни, совет кишиларини қизиқтираётган масалалар хусусида касаба уюшмаларининг съезди қандай фикрга келиши жуда муҳимдир. Эртага, индинга, яқин ойларда нималар бўлиши нуқтаи назаридан ҳам, биз бораётган йўл охири қаёққа элтиши нуқтаи назаридан ҳам муҳимдир. Бизни ҳаяжонга солиб турган муаммоларнинг жуда ўткирлигига қарамай, мақсадларни ва унга эришиш воситаларини назардан қочириб бўлмайди.

Съезд ишининг натижалари икки шароитда самарали бўлиши мумкин, деди сўзини давом эттириб М. С. Горбачев. Агар съезд одамларнинг манфаатлари йўлида бундан буёнги ўзгартишлар, бутун турмушни яхшилаш зарурлигини тасдиқласа ва агар у шу пайтгача қайта қуриш берган ижобий натижаларни мустаҳкамласа ҳамда бизни ташвишга солаётган камчиликлардан халос этиш чора-тадбирларини таклиф этса, шундай бўлади.

Биз кучли ва мустақил касаба уюшмаларидан манфаатдормиз — мустақиллик мавқеида қатъий турилмаса, кучли бўлиш амри маҳол. Масъулият билан амалий иш қиладиган касаба уюшмаларидан манфаатдормиз. Съезднинг икки кунлик ишидан олган таассуротларимни сўрашди. Бу минбардан айтилган сўзлар қаттиқ бўлишига қарамай, уларнинг асосий маъноси шундан иборатки, одамлар вазиятдан ташвишга тушмоқдалар, мамлакатнинг тақдири ҳақида ўйламоқдалар, деган фикрга келдим. Шу боисдан ҳам мулоҳазаларнинг жиддийлигини, вазминлигини табриклайман, делегатлар масалаларни талабчанлик билан ўртага қўяётганликларини англаб турибман.

Касаба уюшмаларининг ролини қандай тасаввур этасиз? — деган савол берилди, бу савол шу ердаги нутқларда ҳам янгради. Касаба уюшмаларининг фаол ишисиз олдимизда турган вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишини тасаввур қила олмайман. Эсингизда бўлса, ўтган съездда ҳам шундай деган эдим: шахсан менга хўжалик раҳбарлари олдида қўл қовуштириб, таъзим қилиб турадиган касаба уюшмалари эмас, балки амалий ишлайдиган ва меҳнаткашларнинг манфаатларига, мамлакатнинг тақдири ва халқнинг турмуши учун масъулиятга асосланган қатъий мавқеда турган касаба уюшмалари ёқади. Мен касаба уюшмаларининг айни мана шундай мавқеини табриклайман. Бу мавқе бузғунчиликка олиб бормайди, балки бунёдкорликка олиб боради, буни ҳаммамиз ёдда тутишимиз керак.

Ҳозир бизда бошлиқларни танқид қилиш орқали обрў орттириб олишга уста бўлган кишилар кўп. Ошкоралик, рўй-ростлик, эркинлик даврида дилда йиғилиб ётган ҳамма дардларни тўкиб солиш керак, шу дамгача бу ҳақда кўп гапирилган бўлса ҳам, ҳамма дардлар тўкиб солингани йўқ. Биз танқидий мулоҳазаларни қабул этамиз, албатта. Бироқ битта шарт бор: биз қайта қуриш натижасида, кўп миллатли давлатимиздаги иқтисодий, ижтимоий, сиёсий турмушнинг бир хил шаклларидан бошқа шаклларига ўтишда қаергача етиб келганимизни эсда тутиш керак. Шу йиллар мобайнида биз, эҳтимолки, айрим халқлар баъзан юз йилларда босиб ўтадиган йўлни босиб ўтдик.

Ижобий ишлар билан бирга кўпгина салбий ҳодисалар ҳам рўй берди. Энг муҳими — биз ҳақиқий эҳтиёжлар ва қийинчиликларга жавобан ҳал қилишимиз лозим бўлган кўпдан-кўп муаммоларнинг қисуви остида иқтисодиётнинг ривожланишида камчиликлар содир бўлиши учун имконият очиб қўйдик. Мана энди бошбошдоқлик, жазава, етишмовчиликлар, пулга тузоқ қўйган чайқовчи унсурлар ҳаракатга келиб, жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни жуда кескинлаштириб юборди. Мамлакат раҳбариятининг энг катта хатоси — мана шу. Муҳтожликни тезроқ бартараф этиш иштиёқида беихтиёр шундай хатога йўл қўйилди. Ахир пенсиялар 30-40, ҳатто 28 сўм эдику. Беш йилликнинг бошиданоқ уларни оширишга қарор қилдик. Врачларнинг, ўқитувчиларнинг аҳволи қандайлиги эсингиздами — бир неча миллиард сўмни қидириб топишга муваффақ бўлдик. Талабаларнинг стипендияларичи, бошқа яна кўпгина муаммолар пайдо бўлди. Хўш, маданиятчи, у қандай ҳолатда эди. Бу соҳага ҳам, уй-жойга ҳам қўшдик. Аммо шу маблағларнинг кўп қисми бозорга чиқди.

Корхоналарга эркинлик бердик, муайян воситалар билан мутаносиб ҳолга келтирилмаган бу эркинлик эса шунга олиб келдики, фойда асосан ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, унинг тузилишини қайта қуришга эмас, балки меҳнатга ҳақ тўлашни кўпайтиришга кетди. Бу маблағлар ҳам бозорга чиқди. Илгари пайтларда мол обороти йилига 10-12 миллиард сўмлик миқдорда кўпаяр эди. Бултур 38 миллиард сўмлик миқдорида кўпайди. Шу йилнинг тўққиз ойида унинг кўпайиши 42-43 миллиард сўмликка етди. Бозорнинг ўзи қай ҳолатда денг!

Бироқ афсуснинг ҳожати йўқ, сабоқ олиш керак. Ҳозир биз иқтисодий турмушнинг янги шаклларини жорий қиляпмиз, бу шакллар бозор муносабатлари сари силжиб бориш билан боғланган. Бу — демократиялаш, маҳаллийлаштириш, ҳуқуқларни ва хўжалик соҳасидаги ташаббусларни бошланғич жамоаларнинг ўзига топшириш йўлида иқтисодиётни мантиқий ривожлантиришдир. Давлат мулки мутлақ ҳукмрон бўлаверса, меҳнаткаш ишлаб чиқариш воситасидан четлаштириб қўйилаверса, у ўзини хўжайин деб ҳис қилмаса ва пировард натижада тасарруф қилиш имкониятини олмаса, хўжалик соҳасида ташаббус бўлмайди, қизиқиш ҳам бўлмайди.

Фақат мулкдоргина ишни омилкорлик билан юритиши мумкин. Бинобарин, мулкчилик муносабатларини ислоҳ қилиш керак, биз шу йўлдан боряпмиз. Давлат мулки ва меҳнаткашларнинг акционерлик, ширкат, ижара корхоналари, колхозларнинг деҳқончилик фирмалари, ҳатто зарур бўлган жойларда, давлат сектори, йирик корхоналар вазифаларни ҳал этмайдиган жойларда майда хусусий мулкчилик ҳам бўлади.

Модомики шундай экан, мана шу мулкдорларнинг ҳаммаси иқтисодий маконга кирар экан, бозор керак. Шу пайтга қадар михдан тортиб ракетагача ҳамма нарсани давлат, ҳукумат тақсимлар эди. Биз мулкчиликни ислоҳ қилиш орқали инсоннинг моддий манфаатдорлигини ишга солишга олиб борадиган йўлга ўтар эканмиз, бозор муносабатларига ўтишимиз лозим эди. Бу — қийин кечяпти, жамиятимиз учун жуда катта синов бўлади, аммо биз бу синовдан ўтишимиз керак.

Бизда миллий даромад бирлигини ҳосил қилиш учун ривожланган мамлакатларга қараганда энергия, металл, цемент 1,5-2 ва ҳатто 3 баравар кўп ишлатилмоқда. Ўтмишда нефтнинг жаҳон бозоридаги нархи баландлиги бизнинг хўжасизлигимизни, технологияга лоқайдлигимизни қоплаб келган эди. Арақ билан ҳам хўжасизлигимиз ўрнини қоплашга уриндилар — спиртли ичимликлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳисобига 100 миллиард сўм олинар эди. Шуни ҳам айтиш керакки, дунёда бизнинг иқтисодиётимиз энг юқори даражада ҳарбийлаштирилган эди, иқтисодиёти бизникидан қарийб 2,5 баравар юқори бўлган АҚШ билан мусобақалашар эдик; дарвоқе, энди қуролланиш пойгасига Американинг ўзи ҳам дош беролмаяпти. Илм-фаннинг анчагина қисми ҳарбий саноат сектори учун ишлар, энг яхши фондлар, энг яхши материаллар шу секторга берилар эди. Буларнинг ҳаммасини бошқачасига йўлга қўйиш, инсонни қизиқтириш, иқтисодиётни инсонга хизмат қиладиган тарзда буриб юбориш керак. Бу ишларни қилиш осонми, ахир!

Меҳнатга бўлган муносабат соҳасидаги вазиятни ҳам ўша инсоф нуқтаи назаридан таҳлил этиб кўринг — бу соҳада нақадар орқада қолиб, қолоқликка йўл қўйган эдик! Боқимликка ружу қилиш, ҳамма нарсани қайта тақсимлашга интилиб, шундан кейингина ишлаб чиқариш ҳақида ўйлаш одати-чи? Ҳозир асл моҳияти жиҳатидан соғлом жараён бошланмоқда, бироқ кўпгина муаммолар соҳасида танг аҳволга тушиб қолдик, агар вазиятни бой бериб қўйсак, кўпгина масалаларни ижобий ҳал этмасак, носозлик, тартибсизлик бошланади.

Масалан, Иттифоқни олайлик. Унитар давлат бор эди, кўпдан-кўп муаммолар йиғилиб қолган эди, вазият демократиялашуви биланоқ шу муаммоларнинг ҳаммаси қалқиб юзага чиқди. Биз яхшироқ иш тутишимиз мумкинмиди? Ҳа, мумкин эди. Аммо биз принцип жиҳатдан тўғри йўлда турибмиз. Шунга эришиш керакки, халқларнинг мана шу бош қовуштириб яшашида ҳар бир халқ йўқ бўлиб кетмаслигига ва унинг тили йўқ бўлиб кетмаслигига ишонч ҳосил қиладиган бўлсин. Ҳатто Украинада ҳам шу даражага борилган эдики, украин тили — буюк халқнинг буюк тили хавф остида қолган эди. Кичик халқлар эса айниқса ҳимояга муҳтож эди. Мен Красноярскда бўлганимда, шимолий халқларнинг вакили бўлган бир ёзувчи менга: Михаил Сергеевич, келинг, халқларимизни бир амаллаб сақлаб қолиш учун резервация барпо этайлик, деса бўладими. Кўрдингизми, аҳвол мана шундай эди.

Бинобарин, оз сонли халқлар ҳам, катта халқлар ҳам, шу жумладан Россия ҳам маънавий жиҳатдан ҳамма соҳаларни кўтаришга муҳтож. Ҳатто Москва теварагида, рус давлати томир ёйган жойларда нималар бўляпти. Кўпгина йўллар қаровсиз қолган, қишлоқлар ҳувуллаб ётибди, миллионлаб гектар серҳосил ерлар бутазорга айланган.

Бунинг маъноси шуки, ҳамманинг бошига кулфат тушган, демак, ҳар бир халқнинг кайфияти яхшиланиши, келажакдан кўнгли тўқ бўлиши учун иттифоқни тубдан ўзгартириш керак. Шу тариқа концепция пайдо бўлди: жойларга энг кўп ҳуқуқлар берилиб, ҳокимият маъносида, иқтисодиётни, бойликларни, маданиятни ва шу кабиларни тасарруф этиш имкониятлари маъносида тўла-тўкис мустақиллик бериладиган суверен давлатларнинг иттифоқи бўлиши керак.

Бироқ олисга назар ташланса, суверен давлатлар иттифоқининг ортида носозлик келиб чиқиши мумкин, мана шу энг катта хавф ҳақида мен ҳамма жойда рўйрост ва тўғридан-тўғри гапиряпман. Биз мана шу носозликка судраётган кучларни тўхтатиб қолишимиз керак.

Суверен давлатларнинг иттифоқи ҳамкорлик негизида барча халқларнинг кучқудратини тўла-тўкис рўёбга чиқариш имкониятини беради. Суверен жумҳуриятлар ва бақувват марказ бўлиши керак. Бу — барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб тушади.

Очиғини айтиш керак, ортиқча чекиниш мумкин эмас. Кимки Горбачев социализмга қарши деб шубҳа қилаётган бўлса, у ҳақли эмас. Мен казарма социализмига қаршиман, инсонни бўғиб қўядиган тоталитар давлатга қаршиман. Бу қандай социализм бўлсин? **(Қарсаклар).** Ўртоқлар, бу социалистик ғояни бузишдир. Социализм — адолат, тенглик, эркинлик демакдир, социализм ҳуқуқий тартибни сақлаб турадиган ва қўллаб-қувватлайдиган демократик муассасалар, воситалар мавжуд бўлган батартиб жамиятдир. Бундай жамиятни барпо этишимиз учун ҳали кўп вақт керак. Лекин ҳаётимизда дуч келаётган кулфатлар таъсирига берилиб, ўзимизни йўқотиб қўймаслигимиз, саросимага тушмаслигимиз керак. Бурилишнинг нақадар чуқурлигини тушунмоқ лозим, биз ана шу бурилиш орқали ўтяпмиз. Авлодимизнинг тақдири шундан иборатки, у бир неча ўн йилликлардан кейинги порлоқ келажак учун эмас, балки ўзининг турмушини ўзгартириш учун (болалар ва фарзандлар тўғрисида гапираётганим йўқ) ишга киришди ва шу мақсадни кўзлаб ишламоқда.

Жавоб беринг, йўналишларни кўрсатиб беринг деяйишмоқда. Инқилобий ўзгартишлар ўртага қўяётган саволларнинг ҳар бирига ҳеч ким муфассал жавоб қайтара олмайди. Биз йўриқномалар ва кўрсатмалар асосида яшашга ўрганиб қолганмиз. Эндиликда жамиятимизда эркинлик ва шу эркинликдан фойдаланиб, фикр юритиш, изланиш лозим. Шу сабабли биз «Асосий йўналишлар»ни лозим топдик. Унда ёндашувлар аниқ баён қилиб берилган, доиралар ва мақсадлар белгилаб қўйилган, қандайдир комбинатда, корхонада, минтақада, жумҳуриятда нима қилиш кераклигини Москвадан кўрсатиб бериш эса, — бизнинг давлатимиз каби давлатда навбатдаги хом хаёллик бўлади.

Қоидалар мавжуд, бинобарин, олға томон ҳаракат қилиш, иқтисодий хусусиятларни ва тарихий анъаналарни, жамоа кайфиятини ва унинг етуклигини ҳисобга олиб изланиш керак.

Биз пассажир поездларининг жадвалига ўхшаган режалардан воз кечдик ва ҳамма ишга асос бўладиган қоидаларни келишиб олиш керак деган хулоса чиқардик. Ҳар ким ўз қоидалари асосида ҳаракат қилса, у ҳолда парчаланиб кетамиз, феодал тарқоқликка қайтамиз. Унда биз ҳеч иш чиқара олмаймиз.

Асосий масала яқин ярим йил ичида ҳал бўлади. Бу энг қийин давр. Биз бозорни барқарор қилишимиз керак. Агар тармоққа ёки аҳолининг гуруҳларига нимадир зарба берса, биз маслаҳатлашиб чорасини топишимиз лозим бўлади, айрим жойларда эса фавқулодда чоралар кўришга ҳам тўғри келади. Шунинг учун ҳам барча жумҳуриятлар вакиллари бўладиган муассасаларни барпо этмоқдамиз. Уларни меҳнаткашларнинг барча отрядлари билан алоқа қилиб туриш учун барпо этяпмиз. Шу маънода мен гапимни бошлаган асосий масалага яна яқинлашдим: касаба уюшмаларисиз ҳеч иш қилиб бўлмайди.

Ушбу босқичда бир-биримизни тушунишимиз ва ҳамкорлик қилишимиз жуда муҳим. Аммо мамлакат раҳбариятини тиз чўктирадиган бўлсангиз бундан ҳеч иш чиқмайди. Сизлар ҳақиқий иқтисодий жараёнлар тақозоси туфайли ҳокимият амалга ошираётган қатъий ҳаракатларни қўллаб-қувватлашингиз лозим. Ана шунда Президент ва ҳукумат сизларга эътибор билан қарашига умид қилишингиз мумкин. Биз бошқача тусдаги муносабатлар, бу ерда қониқарсиз деб аталганига нисбатан бошқачароқ мунтазам учрашувлар, суҳбатлар ва фикрлашувлар тарафдоримиз. Бу ерда бир ўртоқ шахсан менинг номимга касаба уюшмалари билан батафсил суҳбатлашиш учун вақт тополмади деган гапни айтди. Ўзимни оқлаб ўтирмайман, бу таънани қабул қиламан.

Мамлакат ҳаётининг ушбу кескин бурилиш пайтида митингбозликдан, сафсатабозликдан чарчаган одамлар аҳиллик, ҳамкорлик, ҳокимиятнинг қаттиққўл бўлишини тушунмоқдалар, ва кемамизни яна чайқатишга уринаётганлар салбий фикрларга дуч келмоқда. Лекин баъзи бировлар вазият мураккаблашмоқда, бинобарин эски даврларга қайтсак эҳтимол, деб ўйлаётган бўлса мен шуни айтиб қўйишим керак: йўқ, бундай бўлмайди. Биз мамлакатимиз гуллаб-яшнашини истаймиз, бинобарин худди шундай бўлади, чунки халқимиз тасарруфида катта ақл-зиё имкониятлари ҳам, ресурслар ҳам, фан ҳам, маданият ҳам бор. Кўпгина халқлар биз билан ҳамкорлик қилишни хоҳлашмоқда, биз ҳам бунга тайёр бўлишимиз керак.

Бутун 70 йил давомида бир бошқача фикрловчиларни қидириб уларга ёрлиқ илиб келдик, биз фақат бир тилда гаплашдик: сиёсий рақиб бор экан, уни йўқ қилиб ташлаш керак, деб келдик. Энди эса Конституция ва қонун доирасида фикрларни тинглашга, барча билан ҳамкорлик қилишга кўникиш зарур. Агар сиз уюшмага қўшилишни истасангиз — қўшилаверинг. Рисоладагидек жамиятда худди шундай бўлиши керак. Бўлмаса аввал КПСС яккаҳокимликка даъвогар бўлиб келди, эндиликда эса бошқа кучлар «ҳақиқий куч» биз бўламиз, партия, касаба уюшмалари эса нималар юз бераётганлигини яхши тушунмайди, деб даъвогарлик қилмоқда. Мен демократия жараёнининг ривожланиши ҳамда ҳамма бир-бирига қулоқ солиши, бу эса пировард натижада биз кўзлаган қоидалар ва мақсадлар асосида аҳилликка олиб келиши учун Конституция доирасида ҳамма овозлар эшитилиши тарафдориман.

Пировардида М. С. Горбачев съезд ишига муваффақият тилаб, касаба уюшмалари ҳаракати мустаҳкамланишига тилак билдирди.

## ССЖИ ПРЕЗИДЕНТИ МАДРИДГА ЖЎНАБ КЕТДИ

М. С. Горбачев Испания қироли Хуан Карлос I нинг таклифига биноан 26 октябрь куни расмий ташриф билан Москвадан Мадридга жўнаб кетди. ССЖИ Президенти Франция Президентининг таклифига биноан шу мамлакатга ҳам ташриф буюради.

Сафарда М. С. Горбачевга Э. А. Шеварднадзе, Л. А. Воронин, Н. А. Назарбоев, А. С. Черняев, С. К. Романовский ҳамроҳлик қилмоқдалар.

Аэропортда Президентни ССЖИ Вазирлар Кенгашининг Раиси Н. И. Рижков, ССЖИ Олий Кенгашининг Раиси А. И. Лукьянов, ССЖИ Президент Кенгашининг аъзолари В. В. Бакатин, В. И. Болдин, В. А. Крючков, Ю. Д. Маслюков, В. А. Медведев, Ю. А. Осипьян, С. С. Шаталин, Д. Т. Язов, А. Н. Яковлев, КПСС Марказий Комитети Бош котибининг ўринбосари В. А. Ивашко кузатиб қолдилар.

Кузатиб қолувчилар орасида Испаниянинг ССЖИдаги муваққат ишлар вакили Э. Панез, Франциянинг ССЖИдаги муваққат ишлар вакили М. Песик бор эдилар.

(ТАСС).

### ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ОЛИЙ КЕНГАШИ УЧИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг учинчи сессияси 1990 йил 29 октябрь соат 10 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси мажлислар залида очилади.

### ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон ССЖ халқ депутатлари 28 октябрь куни эрталаб соат 10 дан 19 га қадар Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши Раёсатида рўйхатга олинадилар.

### ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ГУРУҲЛАРИ ВАКИЛЛАРИ КЕНГАШИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон ССЖ халқ депутатлари гуруҳлари вакилларининг кенгаши 29 октябрь куни эрта билан соат 9 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг кичик мажлислар залида бўлади.

